

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН  
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017.К.01.03.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НУРМУХАММАДОВ ЖАЛОЛИДДИН ШЕРМУХАММАД ЎҒЛИ**

**МЕТА-, ПАРА- АЛМАШИНГАН ФЕНОЛЛАР ВА  $\beta$  - НАФТОЛ  
ҲОСИЛАЛАРИНИ РЕГИОСЕЛЕКТИВ НИТРОЗОЛАШ**

**02.00.03 – Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Нурмухаммадов Жалолиддин Шермухаммад ўғли**

Мета-, пара- алмашинган феноллар ва  $\beta$  - нафтол

ҳосилаларини региоселектив нитрозолаш ..... 3

**Нурмухаммадов Жалолиддин Шермухаммад угли**

Региоселективное нитрозирование мета-, пара- замещенных

фенолов и производных  $\beta$ -нафтола..... 23

**Nurmukhammadov Jaloliddin**

Regioselective nitrosation of meta-, para-substituted

phenols and  $\beta$ -naphthol derivatives ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН  
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К.01.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НУРМУХАММАДОВ ЖАЛОЛИДДИН ШЕРМУХАММАД ЎҒЛИ**

**МЕТА-, ПАРА- АЛМАШИНГАН ФЕНОЛЛАР ВА  $\beta$  - НАФТОЛ  
ҲОСИЛАЛАРИНИ РЕГИОСЕЛЕКТИВ НИТРОЗОЛАШ**

**02.00.03 – Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/К9 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:** **Тожимуҳамедов Ҳабибулла Сайфуллаевич**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Махсумов Абдулхамит Гафурович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Ходжаниязов Хамид Уткирович**  
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:** Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 227-12-24, факс (99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, физика факультети биносида ўтказилади).

Диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел:(99871)227-12-24,факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х. Т. Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси к.ф.д., профессор

**Д. А. Гафурова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби к.ф.д.

**А. К. Абдушукуров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда иқтисодиёт тармоқларини, айниқса қишлоқ хўжалиги, қурилиш, нефт-газ, тиббиёт, фармацевтика соҳаларини ривожлантиришда кенг миқёсда ишлатилаётган кимёвий маҳсулотларнинг аксарият қисми мақсадли органик синтез натижасида олинаётган моддалар бўлиб, уларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бозор иқтисодиётининг «талаб ва таклиф» қонунидан келиб чиққан ҳолда жамиятимизда ишлатилаётган органик маҳсулотлар кўламини ошириш ва сифатини яхшилаш орқали халқимизнинг бу соҳадаги эҳтиёжларини таъминлашда органик кимё фанининг ўрни ниҳоятда катта.

Жаҳонда кимё саноатининг ривожланиши учун ароматик нитрозобирикмаларнинг ўрни катта бўлиб, улардан лак-буёқ саноатида барқарор ранг берувчи моддалар сифатида, рангли шиша тайёрлашда ва унинг анализида, тиббиётда қимматбаҳо замонавий дори воситалари олишда дастлабки хом-ашё ва боғловчилар сифатида, нитро-, аминобирикмалар ва аминокислоталар синтезида, қурилиш материалларининг модификаторлари сифатида, коррозия ингибиторларини олишда, суюқ лазер системалари ва босмаҳоналарда ранг берувчи бирикмалар сифатида, аналитик кимё соҳасида эса заҳарли, оғир металларни сифат ва миқдор жиҳатдан аниқлашда кенг миқёсда фойдаланилганлиги сабабли бу соҳа олиб борилаётган илмий тадқиқотлар бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён, маҳаллий ва ярим тайёр кимёвий реагентлар асосида импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган арзон, сифатли янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилди. Бу борада турли хил фармацевтика, кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, айниқса нодир, заҳарли металларни анализ қилишда ва ажратиб олишда муайян натижаларга эришилди. Таъкидлаш керакки, ушбу мақсадлар учун ишлатилаётган қимматбаҳо органик реагентлар, жумладан, ароматик бирикмаларни нитрозолашда олинadиган нитрозофеноллар ҳам импорт моддалардан бўлиб, уларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилишга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтириш мумкин бўлган баъзи органик моддаларни яъни м-, п- ҳолатлари алмашинган фенол ва β-нафтол ҳосилаларини региоселектив нитрозолаш реакцияларини мақсадли амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442 сон «Ўзбекистон Республикаси саноатининг 2011-2015 йилларда

ривожланиш истиқболлари» тўғрисидаги, 2017 йил 2 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва мазкур йўналишга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг барча саноати ривожланган мамлакатларида ароматик бирикмаларни нитрозолаш реакцияларини ўрганиш ва уларни мақсадли ишлатиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар билан жадал шуғулланилмоқда. Хусусан, W. Dettwyler, S. Hockessinлар томонидан нафтоллар ҳосилаларининг сульфамидларини, ўзида галоген тутган баъзи фенол ва нафтол ҳосилаларини нитрозолаш, Oskar Baudisch томонидан оксидлаш усули билан о-нитрозофенолларни олишнинг янги усуллари, Stig Veibel, I.Mitteil лар томонидан ва нитрозоний катионини ҳосил қилиш усуллари, нитрозолашда ҳосил бўладиган о-, м-, п-маҳсулотлар таркибининг ҳар хил ҳароратларда қандай бўлиши ўрганилган. Rachel Bolzan, Mark Rayson, Erik Kennedy, John Mackielар нитрозолаш реакцияларида азот оксидларининг қўлланилишини, N.Fayad, H.Taghreed, F.Ghanim лар 1-нитрозо-2-нафтолнинг оғир металллар - мис, кадмий, никель, рух ва марганецнинг 2 валентли тузлари билан ҳосил қилган хелат комплексларининг антибактериал хусусиятларини, М.С.Товбис, М.Субоч ва уларнинг шогирдлари томонидан циклоароматлаш орқали нитрозобирикмаларни синтез қилиш ва олинган нитрозомаҳсулотларнинг физик- кимёвий хоссалари ҳамда ишлатилиш соҳалари ўрганилган.

Мамлакатимизда эса илк бор А.К.Ташмухамедова, Ҳ.С.Тожимухамедов, И.А. Абдугафуров, А.Г. Махсумовлар томонидан турли хил ўринбосарлари бўлган фенолларни, краун эфирларини, алифатик бирикмаларни нитрозолаш реакциялари, олинган нитрозомаҳсулотларни аналитик хусусиятларини аниқлаш З.А.Сманова ва Н.Т.Турабовлар томонидан ўрганилган.

Адабиётларда м- ва п- ҳолатларида турли ўринбосарлари бўлган фенол ва β-нафтол ҳосилаларини айнан о-ҳолатига региоселектив нитрозолаш реакцияларини ўрганиш ва ўтказилган нитрозолаш реакцияларининг мақбул шароитларини аниқлаш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар систематик ўрганилмаган. Шу сабабли алмашинган фенол ва нафтоллар асосидаги нитрозобирикмаларни юқори унум билан синтез қилишнинг мақбул шароитларини аниқлаш ва улардан турли мақсадларда фойдаланиш муаммоларини ечиш мамлакатимиз кимё саноатини ривожлантириш учун муҳимдир.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига ва Ф-7-22 рақамли «Фенолларни региоселектив нитрозолаш» (2012-2016 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мета-, пара- алмашинган феноллар ва  $\beta$ - нафтол ҳосилаларини региоселектив нитрозолаш реакцияларини олиб бориш ҳамда синтез қилинган моддаларни ишлатилиш соҳаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

м- ва п- ҳолатларида – алкокси-, -алкил-, -галоген-, гидрокси-, нитро-, карбонил-, сульфо- ва карбоксил гуруҳлари бўлган фенол ва  $\beta$ -нафтол ҳосилаларини нитрит кислота ҳамда органик нитрозоловчи агентлар иштирокида региоселектив нитрозолаш реакцияларини ўтказиш;

нитрозолаш реакцияларининг мақбул шароитларини аниқлаш, реакциянинг бориши ва маҳсулот унумига субстрат ва реагентларнинг нисбий миқдорлари, нитрозоловчи агент, ҳарорат таъсирларини шунингдек, нитрозолаш реакцияларига хос айрим қонуниятларини аниқлаш;

олинган региоселектив нитрозолаш маҳсулотларининг хроматографик, физик-кимёвий константаларини ва тузилишини физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида исботлаш;

синтез қилинган янги нитрозобирикмаларни сув, тупроқ ва бошқа объектларда оғир, заҳарли d- металлларни экспресс аниқлашда шунингдек, каучукни вулканлаш жараёнида тезлатувчилар сифатида амалиётга жорий этишдан иборат.

**Тадқиқот объекти** сифатида м- ва п- ҳолатларида – алкокси-, алкил-, галоген-, гидрокси-, нитро-, карбонил-, сульфо- ва карбоксил гуруҳлари бўлган феноллар,  $\beta$ -нафтол ҳосилалари шунингдек, нитрозоловчи агентлар - нитрит кислота ва алкилнитритлар танланган.

**Тадқиқот предмети** органик синтез, кимёвий ўзгаришлар, электрофил алмашиниш реакциялари, нитрозолаш реакциялари ва унинг ўзига хос хусусиятлари, нитрозофенолларнинг физик - кимёвий хоссалари, нитрозо-оксим таутомерияси, замонавий органик кимё усуллари.

**Тадқиқот усуллари.** Органик кимёнинг классик ва замонавий усуллари, хроматографик анализ (ЮҚХ, КХ), ароматик халқада электрофил алмашиниш реакциялари, ИҚ-, ЯМР<sup>1</sup>Н спектроскопиялар.

**Тадқиқотининг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

анорганик ва органик нитрозоловчи агентлар иштирокида м- ва п- ҳолатларида -алкокси-, -алкил-, -галоген-, гидрокси-, нитро-, карбонил-, сульфо- ва карбоксил гуруҳлари бўлган фенол ва  $\beta$ -нафтол ҳосилаларини систематик тарзда нитрозолашнинг мақбул шароитлари аниқланган;

илк бор органик нитритлар иштирокидаги региоселектив нитрозолаш реакцияларининг унуми фенол ва нафтол ядросида электронодонор ўринбосарлар бўлганда анорганик нитритларга нисбатан камлиги аниқланган;

Шеффер кислотасини нитрозолаш мисолида нитрозоловчи

агентларнинг фаоллик катори  $(Al(NO_2)_3 \geq Ba(NO_2)_2 > NaNO_2 > \text{изо-}C_4H_9ONO > \text{изо-}C_5H_{11}ONO > n-C_4H_9ONO)$  яратилган;

синтез қилинган о-нитрозофеноллар ҳозирда ишлатилаётган Ильинский реагентига нисбатан сезгирлиги юқори, аксарияти селектив реагентлар эканлиги ва d металлар билан чўкма ҳосил қилмаслиги сабабли кўп маротаба ишлатилиши аниқланган;

илк бор β-нафтол ва унинг б-сульфоҳосиласини хона хароратида нитрозолаш реакциясининг янги усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

янги олинган о-нитрозофеноллар қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида суғоришда ишлатиладиган ҳар хил сувлар, тупроқ ва бошқа объектларда мавжуд бўлган оғир ва захарли d- металларни экспресс аниқлашда импорт ўрнини босувчи моддалар сифатида ишлатиш мумкинлиги аниқланган;

биринчи марта β-нафтол ҳосилалари асосида олинган нитрозомаҳсулотлар ҳозирда чет элдан келтириляётган каучук вулканизациясини тезлаштирувчи «kaptaks» моддаси ўрнига синаб кўрилганда вулканлаш учун сарфланадиган вақт кескин камайган ва олинадиган резина сифати яхшиланган;

илк маротаба 3-гидрокси-4-нитрозо-2-нафтой кислотанинг микроконцентрацияли эритмаси кобальт (II) ионига ўта сезгир селектив реагент эканлиги аниқланган;

турли хил ўринбосарлари бўлган бир ва икки ядроли фенолларни айнан о- ҳолатига региоселектив нитрозолашнинг мақбул шароитлари аниқланган ҳамда хона шароитида нитрозолашнинг янги усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумқабул қилинган замонавий ва классик органик кимё усуллари, жумладан, реакция маҳсулотларининг таркиби хроматографик анализ (ЮҚХ, КХ), тузилиши эса ИҚ-, ПМР- спектрлари ёрдамида исботланиши билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк маротаба m- ва p- ҳолатларида -алкокси, -алкил, -галоген-, гидроксид-, нитро-, карбонил-, сульфо- ва карбоксил гуруҳлари бўлган фенол, β-нафтол ҳосилаларини айнан о- ҳолатга региоселектив нитрозолашнинг янги усуллари ва мақбул шароитлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шуки, олинган янги моддалар суғоришда ишлатиладиган ҳар хил сув намуналарида, тупроқ ва бошқа объектларда мавжуд захарли, оғир d-металларни сифат ҳамда миқдор жиҳатдан аниқлашда ишлатиладиган, резина саноатида эса каучук вулканизациясини тезлаштирувчилар сифатида импорт ўрнини босувчи ва экспорт қилиниши мумкин бўлган реагентлардир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Алкокси-, галоид-, сульфо-, алкил-, карбонил-, карбоксил-, нитро- гуруҳлари бўлган фенол ва β-нафтол ҳосилаларини нитрозолашда олинган натижалар асосида:



синтез қилинган нитрозофеноллар Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигининг суғоришда ишлатиладиган сув, тупроқ объектларида мавжуд бўлган оғир ва зарарли металлларни анализ қилишда қўлланилган (Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигининг 2017 йил 14 ноябрдаги 07/09-1038-сон маълумотномаси). Натижада оғир ва захарли d металлларни сифат ва миқдор жиҳатдан экспресс аниқлашда импорт ўрнини босувчи органик реагентлар олиш имкони яратилган;

илк маротаба 1-нитрозо-2-нафтол-6-сульфокислотанинг микроконцентрацияли эритмаси кобальт (II) ионини аниқлашда Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги тизимидаги муассасада қўлланилган (Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигининг 2017 йил 14 ноябрдаги 07/09-1038-сон маълумотномаси). Натижада синтез қилинган органик модда кобальт (II) ионини селектив аниқлаш имконини берган;

олинган нитрозобирикмалардан А-12-53 «Полимер ташувчиларга иммобилланган реагентлар билан атроф муҳит объектларидан экотоксикантларни фотометрик ва сорбцион-фотометрик аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳада нитрозомахсулотларнинг синтез йўллари ва уларни аналитик хусусиятларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 6 ноябрдаги ФТА-02-11/1026 сонли маълумотномаси). Натижада региоселектив нитрозолаш махсулотларини полимер толага иммобилланишидан оралиқ металлларни сифат ва миқдор жиҳатдан юқори сезгирликда аниқловчи органик моддалар олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 17 та, жумладан 3 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ароматик ядрога борадиган нитрозолаш реакциялари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган. Мавжуд адабиёт маълумотларини ўрганиш натижасида унда сульфо-, алкил-, карбоксил-, карбонил-, галоген-, гидроксил- гуруҳлари бўлган м-, п- алмашинган фенол ва β- нафтол ҳосилаларини айнан о-ҳолатга региоселектив нитрозолашга оид систематик тарзда бажарилган илмий тадқиқотларнинг деярли учрамаслиги сабабли бу реакцияларининг мақбул шароитларини аниқлаш, назарий ва амалий жиҳатдан долзарблиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Мета-, пара- алмашинган феноллар ва β - нафтол ҳосилаларини региоселектив нитрозолаш**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот натижалари келтирилган. Бу бобда нитрозоловчи агентлар, м-, ва п-ҳолатларида ўринбосарлари бўлган феноллар шунингдек, β-нафтол ҳосилаларини анорганик ва органик нитритлар билан региоселектив нитрозолаш натижалари келтирилган.

Маълумки, нитрозолаш реакциялари нитрозоловчи агентлар иштирокида олиб борилади. Ноорганик нитрозоловчи агентлар XNO типда бўлиб, (X = MeO-, -OH, -Hal, -ClO<sub>4</sub><sup>-</sup>, -NO<sub>3</sub><sup>-</sup>, -NO<sub>2</sub><sup>-</sup>, -CN<sup>-</sup>, -SH<sup>-</sup>, -SCN<sup>-</sup> кабилар бўлиши мумкин) бевосита реакция муҳитида ҳосил қилинади. XNO электрофил табиатли бирикмалар бўлиб, нитрозолаш реакцияларига X нинг табиатига боғлиқ ҳолда киришади. Нитрозоловчи агентнинг реакция муҳитида ҳосил бўлишини қуйидагича тушунтириш мумкин:



(I) ва (II) катионларнинг ҳосил бўлиши эритма муҳитига боғлиқ ва улар ўртасида мувозанат мавжуд. Суюлтирилган кислота эритмаларида мувозанат нитрозоацидий- катиони томонга, концентрланган эритмаларида эса нитрозо-катиони ҳосил бўлиш томонига силжиган бўлади чунки, концентрланган кислота эритмасида (I) катионнинг дегидратланиши тезлашиб кетади. NO<sup>+</sup> катиони мезомерия туфайли барқарор, кучсиз электрофил агент бўлиб, у ароматик ядрони фаоллаштирувчи ўринбосари бўлган фенол ва нафтол ҳосилалари билангина яхши реакцияга киришади.

Органик нитрозоловчи агентлар (RONO, RSNO, R<sub>2</sub>NNO бу ерда R = нормал ёки тармоқланган алкил-, ацил-, фенил- кабилар) бевосита реакция муҳитида эмас, балки алоҳида синтез қилинади. Бизнинг илмий тадқиқотларимизда тармоқланган ва тармоқланмаган алкил гуруҳли алкилнитритлардан фойдаланилди. Нитрозолаш учун янги синтез қилинган алкилнитритлар ишлатилди. Умумий ҳолда уларнинг синтезини қуйидагича

кўрсатиш мумкин:  $R-OH + HONO \rightarrow RONO + H_2O$  бунда; R= н-, изо- $C_5H_{11}$ , н-, изо- $C_4H_9$

Тадқиқотларимизда иккала турдаги нитрозоловчи агентларнинг нитрозолаш реакциясининг бориши ва маҳсулот унумига таъсири ўрганилди. Тадқиқотлар асосида олинган нитрозоловчи агентларнинг характери нитрозолаш реакциялари унумига салмоқли таъсир кўрсатиши аниқланди.

Нитрозоловчи агентларнинг таъсири Шеффер кислотаси мисолида ўрганилди ва олинган натижалар қуйидаги 1 жадвалда умумлаштирилди.

1- жадвал

Турли нитрозоловчи агентлар билан нитрозолашда олинган энг юқори унумлар

Нитрозоланган модда номи	Анорганик нитрозоловчи агентлар			Органик нитрозоловчи агентлар		
	$NaNO_2$	$Ba(NO_2)_2$	$Al(NO_2)_3$	изо- $C_4H_9ONO$	н- $C_5H_{11}ONO$	изо- $C_5H_{11}ONO$
Шеффер кислотаси (2-гидрокси-6-сульфонафталин)	95 (3соат)	97 (3соат)	98 (3соат)	90 (1,5 соат)	88 (1,5 соат)	94 (1.5 соат)


Жадвалдан кўриниб турибдики органик нитритлар иштирокида борадиган нитрозолаш реакцияларининг унуми ядрога электронодонор ўринбосарлар бўлганда анорганик нитритларга нисбатан пастроқ бўлиши лекин тезроқ кетиши аниқланди. Шеффер кислотасини нитрозолаш мисолида нитрозоловчи агентларнинг активлик қатори аниқланди: изо- $C_4H_9ONO >$  изо- $C_5H_{11}ONO >$  н- $C_5H_{11}ONO >$   $NaNO_2 >$   $Ba(NO_2)_2 >$   $Al(NO_2)_3$ . Тажрибадан олинган натижалар классик ва замонавий органик кимё адабиётлари маълумотлари билан мос келади.

### Мета ва пара ҳолатларида ўринбосарлари бўлган фенолларни нитрозолаш

Маълумки, электрофил заррача пассив бўлса реакцияга киришаётган ареннинг асослилиги муҳим аҳамиятга эга бўлади.  $NO^+$  катиони каби кучсиз электрофил зарра фақат асослилиги катта бўлган фаол ароматик бирикма билан яхши реакцияга киришади.

*м- Метоксифенолни нитрозолаш.* Кислота иштирокида натрий нитрит билан нитрозолаш. м-Метоксифенолнинг (3-гидроксианизол, 3-метоксифенол)  $-OCH_3$  гуруҳи электронодонор ўринбосар бўлиб, у нитрозолаш реакцияларида ҳосил бўладиган  $\sigma$ -комплекснинг мусбат зарядини камайтиради ва нитрозомажсулотлар ҳосил бўлишини осонлаштиради. м-Метоксифенол ядросидаги  $-OH$ , ва  $-OCH_3$  гуруҳлар 1 тур ориентатлари бўлиб кириб келаётган ўринбосарни о-, п- ҳолатларга йўналтиради ва келишилган ориентация қоидаси бўйича 5-метокси-2-нитрозофенол (асосий маҳсулот), 3-метокси-2-нитрозофенол (I), 3-метокси-4-нитрозофеноллар (II) аралашмаси ҳосил бўлади. Тажрибаларимизда асосий маҳсулотга I, II маҳсулот аралаш ҳосил бўлди. Асосий маҳсулот II маҳсулотдан колонкали хроматография ( $Al_2O_3$ ) усули билан ажратилди. Ажратилган маҳсулотнинг ЮҚХ сида иккита доғ бўлиб, улар м-метоксифенол ( $R_f=0,47$ ) ва 5-метокси-2-нитрозофенол ( $R_f=0,79$ ) га тўғри келади. Бунда эритувчилар системаси- этил спирти ва хлороформ 1:9

нисбатда олинди, очқич эса - йод буғлари. Тозаланган асосий модда - сарик рангга эга.  $T_{\text{суюк}}=82-83^{\circ}\text{C}$ . Олиб борилган реакция схемаси қуйидагича:



м-Метоксифенолни сульфат кислота иштирокида натрий нитрит билан нитрозолашда олинган натижалар қуйидаги 2 - жадвалда умумлаштирилди.


2- жадвал

м-Метоксифенолни натрий нитрит билан нитрозолаш натижалари

№	Реагентларнинг моль нисбатлари субстрат:NaOH:NaNO <sub>2</sub> :H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	Реакция вақти, соат	Реакция ҳарорати, °С	Совутувчи система	Маҳсулот унуми, %		
1	1:1:1:1	2,0	- 10	Муз: KCl	35		
			-5	Муз:H <sub>2</sub> O:NaCl	50		
			- 3 - 0	Муз:H <sub>2</sub> O:NaCl	55		
			0-3	Муз	49		
		3,0			59		
2	1:1:2:2	3,0	- 3 - 0	Муз:H <sub>2</sub> O:NaCl	59		
					4,0	74	
					4,0	74	
		3,0			+5	Музли сув	69
		3,0			-3-0	Муз:H <sub>2</sub> O:NaCl	71

Жадвалдан кўриниб турибдики, реакция давомийлигини 3.0 соатдан камайтириш, нитрозоловчи агент миқдорини субстратга нисбатан 2 миқдорий қисмдан ошириш ҳам, камайтириш ҳам олинган нитрозомаҳсулот унумининг камайишига сабаб бўлади. Энг юқори унум, реагентларнинг моль нисбатлари 1:1:2:2, ҳарорат  $-3-0^{\circ}\text{C}$  оралиғида бўлганда 74% ни ташкил этди.

м-Метоксифенолни изобутилнитрит билан нитрозолаш. Дастлаб маълум методика асосида янги изобутилнитрит синтез қилинди ва юқорида қайд этилган ускуна ва шароитларда м-метоксифенолни изобутилнитрит билан нитрозолаш реакцияси ўтказилди. Реакция схемаси қуйидагича:



Реакция маҳсулотининг ЮҚХ да гувоҳ модданинг (м-метоксифенол)  $R_f$  қиймати 0,47 га, 5-метокси-2-нитрозофенолнинг  $R_f$  қиймати 0,79 га тенг. Бунда эритувчилар системаси этил спирти : хлороформ 1:9 нисбатда, очқич - йод буғлари. Олинган модда сарик рангга эга.  $T_{\text{суюк}}= 82-83^{\circ}\text{C}$ .

м-Метоксифенолни изобутилнитрит билан нитрозолашда олинган натижалар қуйидаги 3 - жадвалда умумлаштирилди.

## м-Метоксифенолни изобутилнитрит билан нитрозолаш натижалари

№	Реакция вақти, соат	Реакция ҳарорати, °С ва совутувчи система	Маҳсулот унуми, %
м-Метоксифенол:изобутилнитрит: H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> тегишлича 1:1:0.75			
1	1	+5(музли сув)	50
		0 (30:2 муз NaCl)	55
		-7 (30:3 Муз, KCl)	56
2	1.5	0 (30:2 муз, NaCl)	66
3	2		66
м-Метоксифенол:изобутилнитрит: H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> тегишлича 1:1.5:1			
4	1.5	0 (30:2 муз, NaCl)	67
м-Метоксифенол:изобутилнитрит: H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> тегишлича 1:2:1.2			
5	1.5	0 (30:2 муз, NaCl)	70
м-Метоксифенол:изобутилнитрит: H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> тегишлича 1:3:1.5			
6	1.5	0 (30:2 муз, NaCl)	70


3-жадвалдан кўриниб турибдики, реакция давомийлигини 1.5 соатдан ошириш, нитрозоловчи агент миқдорини м-метоксифенолга нисбатан 2 нисбатдан ошириш, маҳсулот унумининг камайишига сабаб бўлади. Энг юқори унум, 0°С ҳароратда (совутувчилар системаси 30:2 муз+NaCl), олинган реагентларнинг моль миқдорлари 1:2:1.2 бўлганда 74% ни ташкил этди.

Ажратиб тозаланган 5-Метокси-2-нитрозофенолнинг ЯМР<sup>1</sup>H (400 МГц, δ, м.у. J/Гц) спектрида: 3.75 (-CH<sub>3</sub>), 10.1 (-OH), 6.53 -(CH); 6.62 (CH<sub>NO</sub> гуруҳга нисбатан о-), 7.53 (-CH<sub>NO</sub> гуруҳга нисбатан м-) протонларига хос кимёвий силжишлар мавжуд. ИҚспектрида эса (KBr, ν<sub>max</sub>, см<sup>-1</sup>) ν<sub>OH</sub> = 3200 – 3450 см<sup>-1</sup>, ν<sub>C=C</sub> = 1580 – 1770 см<sup>-1</sup>, ν<sub>N=O</sub> = 1510 – 1410 см<sup>-1</sup>, ν<sub>C-O</sub> = 1193-960 см<sup>-1</sup>, δ<sub>CH<sup>2</sup></sub> = 800, 810 см<sup>-1</sup>, δ<sub>OH</sub> = 1410, 1220, 1280 см<sup>-1</sup>, -δ<sub>CH<sup>3</sup></sub> = 900, 920 см<sup>-1</sup> соҳадаги ютилишлар мавжуд.

Олинган нитрозомаҳсулотнинг барқарорлигини янада ошириш ва кўп марта ишлатиш мақсадида уни аввал модификацияланган полиакрилонитрил (ПАН) матричасига иммобиллаб, кейин металлларни аниқлашда қўлланилди. 5-Метокси-2-нитрозофенол Fe<sup>2+</sup> ионига селектив реагент эканлиги исботланди.

*м- Крезолни нитрозолаш*

Адабиётда м-крезолни кислотала иштирокида ишқорий металл нитритлари ёрдамида, хона ҳароратида нитрозоланиб, 3-метил-4-нитрозофенол синтез қилинган (унуми 4%). Маҳсулот унумининг пастлигига сабаб м-крезолнинг сувли аорганик нитрит эритмасида эримаслиги, нитрозоний катионини ҳосил қилишда HCl дан фойдаланилганлиги, реакцияни хона ҳароратида олиб борилганлиги, нитрит кислота бевосита реакцион муҳитда ҳосил қилинмаганлиги, ўтказилган нитрозолаш реакциясининг мақбул шароитлари топилмаганлиги шунингдек, асосий маҳсулотга 5-метил-2-нитрозофенол, 3-метил-2- нитрозофеноллар ҳам аралаш бўлишидир. Фақат 5-метил-2-нитрозофенол синтезига бағишланган систематик илмий тадқиқотлар деярли учрамаслиги сабабли ушбу реакциянинг мақбул шароитларини аниқлаш ва уни юқори унум билан олиш устида илмий тадқиқотлар олиб бордик. Реакция схемаси қуйидагича.



Моддалар колонкали хроматография усули ёрдамида бир-бирдан ажратилди ва тозаланди. Ажратилган асосий маҳсулот 5-метил-2-нитрозофенол бўлиб унинг тузилиши ПМР ва ИҚ спектрлари ёрдамида ўрганилганда унинг 5-метил-1-гидроксибензохинон монооксими кўринишида бўлиши аниқланди. Олинган модда оч сарик рангга эга. Суюқланиш температураси 79°C. Реакцияда аралаш маҳсулот таркиби юпқа қатламли хроматография усули билан *silufol* пластинкасида ўрганилганда унда иккита доғ борлиги маълум бўлди. Бу доғлардан бири реакцияга киришмай қолган мета-крезолга, иккинчи доғ эса реакция маҳсулоти 5-метил-2-нитрозофенолга мос эканлиги аниқланди. Биринчи модда учун  $R_f = 0.52$ , иккинчи модда учун эса  $R_f = 0,82$  Эритувчилар системаси этанол: хлороформ 1:9, очқич- йод буғлари. Олинган натижалар куйидаги 4 жадвалда умумлаштирилди.


4-жадвал

м-Крезолни калий нитрит ёрдамида нитрозолаш натижалари

№	Реагентларнинг моль нисбатлари Субстрат : КОН : KNO <sub>2</sub> : H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	Реакция вақти, соат	Реакция ҳарорати, °C	Совутувчи система:	Маҳсулот унуми, %
1	1:1:1:2	2,0	+10	-	14
			-5 - (-2)	Муз:NaCl	31
			-10- (-12)	Муз: KCl	31
		2,5	-3	Муз:NaCl	36
		3,0	-3		40
4,0	-3	40			
2	1:1:2:2	3,0	-3	Муз:NaCl	57
		3,0	-10	Муз: KCl	55
3	1:1:3:2	3,0	-3	Муз:NaCl	56
4	1:2:3:2	3,0	-3		55

Жадвалдан кўришиб турибдики, энг юқори унум - 3°C ҳароратда субстрат : КОН : KNO<sub>2</sub> : H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> ларнинг миқдорлари 1:1:2:2 бўлган ҳол учун 57.0% ни ташкил этади. Маҳсулот унумининг юқори бўлмаганлигини реакция шароитида м-крезолнинг оксидланиши билан тушунтириш мумкин.

5-Метил-2-нитрозофенолнинг ПМР спектрида мавжуд 5 та протонларнинг сигналлари куйидагича рақамланди.




ЯМР<sup>1</sup>H (400 МГц, δ, м.у. J/Гц) спектрида 6.5 (3), 5.2 (2), 1.71 (4) 5.0 (5), 10.12 (1) протонларга хос ютилиш сигналлари бор. 5-Метил-2-нитрозофенолнинг ИҚ спектрида (KBr, ν<sub>max</sub>, см<sup>-1</sup>) куйидаги ютилиш чизиқлари мавжуд: ν<sub>OH</sub> = 2010– 3450см<sup>-1</sup>, ν<sub>C=C</sub> = 1650 – 1760 см<sup>-1</sup>, ν<sub>N=O</sub> = 1410–1525 см<sup>-1</sup>,

$\nu_{C-O} = 1010-1193 \text{ см}^{-1}$ ,  $\delta_{OH} = 1218, 1280, 1390, 1410 \text{ см}^{-1}$ ,  $\delta_{CH(NO \text{ гурухга нисбатан } o-)} = 815 \text{ см}^{-1}$ ,  $\delta_{CH(NO \text{ гурухга нисбатан } m-)} = 900, 910, 920 \text{ см}^{-1}$ .

### м-Гидроксифенолни нитрозолаш

Анорганик нитритлар иштирокида 2,4-Динитрозо-5-гидроксифенолни олиш бўйича илмий тадқиқотлар адабиётларда мавжуд. Аммо бу реакциянинг унуми паст ва аралаш нитрозомаҳсулотлардан иборатлиги ўтказилган тадқиқотларнинг мақбул шароитлари топилмаганидан дарак беради. Резорцинни натрий нитрит ва изобутилнитрит иштирокида нитрозолаш реакциялари ва реакция унумининг турли омилларга боғлиқлиги систематик тарзда ўрганилди. Реакция схемаси қуйидагича:



Маҳсулотлар таркиби юпқа қатламли хроматография усули билан silufol пластинкасида ўрганилганда унда учта доғ борлиги маълум бўлди. Бу доғлардан биринчиси реакцияга киришмаган резорцин бўлиб, унинг  $R_f = 0,42$  га, иккинчиси мононитрозорезорциннинг  $R_f = 0,61$  га, учинчиси 2,4-динитрозорезорциннинг  $R_f = 0,55$  га тенг эканлиги аниқланди. Эритувчилар системаси сифатида 1:9 ва 1:1 нисбатда олинган этанол:ацетон ҳамда 96% ли этанол:толуолдан фойдаланилди. Колонкали хроматография ёрдамида ажратиб олинган 2,4-Динитрозорезорциннинг суюқланиш ҳарорати 162-163<sup>o</sup>C га тенг бўлиб, у адабиёт маълумотлари билан мос келди. Ажратилган маҳсулот сарғиш рангга эга. Реакция унуми 88 %.

Нитрозолаш жараёнида олинган ҳамма натижалар қуйидаги 5 - жадвалда умумлаштирилди.

5 - жадвал

м-Гидроксифенолни нитрозолаш натижалари

№	Реагентларнинг моль нисбатлари Субстрат: RONO : H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	Реакция вақти, соат	Реакция ҳарорати, °C	Совитувчи система	Моно- (1) ва динитрозо- (2) маҳсулотлар унуми, (%)
1	1:1:2 Натрий нитрит	2,0	+5 - 0	Муз	38 (1)
			-3-0	Муз:NaCl	40 (1)
			0	Муз:NaCl	40 (1)
		3,0	0		47 (1)
		4,0	0	47 (1)	
2	1: 2:2 Натрий нитрит	3	0	Муз:NaCl	88 (1,2) Шундан:
			0		50 (2), 38 (1)
		4	0		84 (1,2)
3	1:3:2 Натрий нитрит	3	0		78 (1,2)
4	2:1:2 Натрий нитрит	3	0	Муз:NaCl	45 (1,2)
5	1:2 Изобутилнитрит	1	0	Муз:NaCl	80
		2	0	Муз:NaCl	81(1,2) Шундан:
		3	0		20(2), 55 (1)
6		3	0		81

Жадвалдан кўришиб турибдики, резорцинни сульфат кислота иштирокидаги нитрозолаш реакциясида нитрозоловчи агент сифатида натрий нитритдан фойдаланилса реакция давомийлигини 3.0 соатдан камайтириш, нитрозоловчи агент миқдорини субстратга нисбатан 2 баробардан ошириш, субстрат концентрациясини ошириш, реакция ҳароратини 0°C дан пасайтириш маҳсулот унумининг камайишига сабаб бўлади. Реагентларнинг моль нисбатлари субстрат, NaNO<sub>2</sub>, H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>, тегишлича 1:2:2 бўлганда, реакция 3.0 соат давомида олиб борилганда энг юқори унум (88%) кузатилди. Реакция 0°C ҳароратда изобутилнитрит иштирокида олиб борилганда м-Гидроксифенол ва изобутилнитрит 1:2 нисбатда бўлиб, нитрозолаш реакцияси давомийлиги қисқарди (2 соат). Қизиғи мононитрозомасулот кўпроқ ҳосил бўлди (60%) натрий нитрит иштирокида эса акси (38%) кузатилди. Бунга сабаб изобутилнитрит молекуласининг фазовий ҳажмдорлиги бўлиши мумкин. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, м-Гидроксифенолни нитрозолаш реакцияси ўзига хос бўлиб, реакция унумига нитрозоловчи агентнинг тури ва ҳажми, реакция муҳитдаги эрувчанлиги ҳамда қарорлилиги ҳам салмоқли таъсир кўрсатади.

Ажратиб тозаланган маҳсулотнинг ЯМР<sup>1</sup>H спектрида (400 МГц, δ, м.у. J/Гц): 10.3 (1H, -OH), 9.83 (5H, -OH), 7.8 (3H, -CH), 6.58 (4H, -CH), 6.49 (6H, -CH) тегишли протон сигналлари кузатилди. Унинг ИҚ спектрида эса (KBr, ν<sub>max</sub>, см<sup>-1</sup>) куйидаги ютилиш чизиқлари мавжуд: ν<sub>OH</sub> = 3300 – 3450 см<sup>-1</sup> – OH ; ν<sub>C=C</sub> = 1680 – 1760 см<sup>-1</sup> – C=C; ν<sub>N=O</sub> = 1524 – 1405 см<sup>-1</sup>; ν<sub>C-O</sub> = 1183 - 960 см<sup>-1</sup> – C – O- ; δ<sub>OH</sub> = 1410, 1220, 1280 см<sup>-1</sup> – OH; δ<sub>CH<sub>NO</sub></sub> гуруҳига нисбатан о- = 800, 810 см<sup>-1</sup>; δ<sub>CH<sub>NO</sub></sub> гуруҳига нисбатан м- = 905, 922 см<sup>-1</sup>.


Пара ҳолати алмашинган фенолларни кислотали шароитда нитрозолаш реакциялари регеоселектив боради ва гидроксил гуруҳга нисбатан о- ҳолат- нитрозоланади. Кронхейм мис тузлари иштирокида п-ҳолатида галоген ва метил гуруҳлари бўлган феноллардан о-нитрозофенолларни хелат комплекс тарзида олиш билан боғлиқ синтезларни (реакция 50 соат давом этган, унуми 23%) амалга оширган. Ҳосил бўлган нитрозофенол оксидланиб нитрофенолгача ўтиши мумкин. Пара – ҳолатида ўринбосарлари бўлган фенол ҳосилаларидан п- крезол, п- метоксифенол, п-хлорфенол, п- нитрофенолларнинг кислотали муҳитдаги нитрозолаш реакциялари ўрганилди.

*п- Крезолни нитрозолаш.* п- Крезол сувда эрмайдиган органик модда бўлганлиги боис дастлаб у этанолда эритилиб сўнг кислотали муҳитда анорганик нитритлар билан нитрозолаш реакциялари адабиёт манбаларида келтирилган. Масалан: 2-NO-4-R-5-R<sup>1</sup>-6-R<sup>2</sup>C<sub>6</sub>HOK типдаги нитрозофеноллар синтезида 4-R = -CH<sub>3</sub>, - учламчи C<sub>4</sub>H<sub>9</sub>, 5-R<sup>1</sup>=6-R<sup>2</sup> = H бўлган ҳол учун реакция вақти 50-70 соат бўлганда реакция унуми тегишлича 23 ва 66.5% ни ташкил этиши қайд қилинган.

Бундан кўришиб турибдики, п-крезолни нитрозолаш реакциялари узоқ давом этади, комплекс ҳосил қилувчи тузлар (мис сульфат, никель сульфат) ишлатилади. Реакция унумига таъсир этувчи омиллар ўрганилмаган. Шу



сабабли п-крезолни нитрозолаш реакциясининг мақбул шароитларини аниқланди. Бунда эритувчилар, мис ёки никель тузлари ишлатилмайди ва кам вақт сарфланади. Реакция схемаси қуйидагича:



Реакция маҳсулотлари аралашмаси ЮҚХ ёрдамида ўрганилди. Эритувчилар: Бензол ( $R_{\text{п-крезол}} = 0,42$ ), Толуол ( $R_{\text{п-крезол}} = 0,40$ ). Бензол ( $R_{\text{ф2-нитрозо-4-метилфенол}} = 0,75$ ), Толуол ( $R_{\text{ф2-нитрозо-4-метилфенол}} = 0,72$ ). Очкич: йод буғлари. Суюқланиш температураси  $81^{\circ}\text{C}$ . Олинган натижалар қуйидаги 6 -жадвалда келтирилган:

6 - жадвал

п-Крезолни нитрозолаш реакцияларининг натижалари

№	Реагентларнинг моль нисбатлари п-крезол: $\text{NaNO}_2$ (RONO): $\text{KOH}$ : $\text{H}_2\text{SO}_4$	Реакция вақти, соат	Реакция харорати, $^{\circ}\text{C}$	Совутувчи система	Маҳсулот унуми, %
1	1:1:2:1 $\text{NaNO}_2$	3	0	Музли сув	30
		3	+5-0	Музли сув	25
		4	0	Муз: Ош тузи	42
		5	0	Муз: Ош тузи	42
2	1:2:2:1 $\text{NaNO}_2$	4	0	Муз: Ош тузи	61
		5	0	Муз: Ош тузи	61
3	1:1,5 $\text{C}_5\text{H}_{11}\text{ONO}$	2	-2	Муз: Ош тузи	52
4	1:1,5:1( $\text{H}^+$ ) $\text{C}_5\text{H}_{11}\text{ONO}$	2	-5	Муз: Ош тузи (30:1)	56
		3	-10	Муз: Ош тузи (30:1)	56

Жадвалдан кўришиб турибдики, п-крезолни нитрозолаш реакциялари натрий нитрит иштирокида нитрозоловчи агент бевосита реакция муҳитида ҳосил қилинганда реагентлар - п-крезол:  $\text{NaNO}_2$  :  $\text{KOH}$  :  $\text{H}_2\text{SO}_4$ ларнинг моль миқдорлари тегишлича 1:2:2:1 бўлганда, 4 соат, харорат  $0^{\circ}\text{C}$  да 61 % унум билан, 1:1:1 нисбатда  $\text{C}_5\text{H}_{11}\text{ONO}$  иштирокида, совутувчи система сифатида муз: ош тузи (30:1 масса нисбатда), 2 соат давомида олиб борилганда эса 56% унум билан боради.


Реакция маҳсулотининг тузилиши ИҚ-ва ПМР спектрлар ёрдамида аниқланди. Олинган бирикманинг тузилиши ЯМР<sup>1</sup>Н спектри ёрдамида ўрганилганда гидроксил гуруҳнинг протон сигналлари кучли магнит майдонига силжиганлигидан ички молекуляр водород боғ ҳосил бўлганлиги ва маҳсулот асосан оксим кўринишда эканлиги аниқланди.

Пара хлорфенол ва пара нитрофенолларнинг нитрозолаш реакциялари ҳам шунга ўхшаш шароитларда боради.

### β - Нафтол ҳосилаларининг синтези ва уларни нитрозолаш

β-Гидроксинафтадьегид (ГНА) ни нитрозолаш. ГНА- ишқорий муҳитда β – нафтолнинг этанолдаги эритмасига хлороформ таъсир этирилишдан олинди.

Олинган маҳсулот - 2-гидрокси-1-нафтальдегид сарик рангли модда бўлиб, у 90-92<sup>0</sup>С да суюкланади. Бу адабиёт маълумотида мос. Олинган ГНА нитрозоланди. Олинган бу моддани нитрозолаш реакциясининг унуми 62 % бўлиб, у сарғиш-яшил рангда. 108<sup>0</sup>С да суюкланиб парчаланаяди, 143<sup>0</sup>С дан юқорида эса қорайиб кетади. Спирт ва эфирларда яхши эрийди. Олинган о – нитрозомаҳсулот таутомерия туфайли куйидаги монооксим кўринишда ҳам бўлади. Реакция схемасини куйидагича кўрсатиш мумкин:



